

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2023 йил ноябрь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, очиқ сайёр суд мажлисида Автомобил ташувларни назорат қилиш Бухоро вилоят бошқармаси биносида, судья М.Бобоевнинг раислигида, А.Рўзиёевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурори ёрдамчиси И.Рахимов, судланувчи Д.Ғаффарова ва унинг ҳимоячиси - адвокат А.Мўминов, жабрланувчи Л.Қайимовнинг иштирокида, Ғаффарова Дилрабо Ғуломовнага оид 1-2001-2305/645-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ғаффарова Дилрабо Ғуломовна (Gafforova Dilrabo Gulomovna) 1980 йил 13 ноябрь куни Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, турмушдан ажралган, икки нафар фарзанди бор, 2-гурӯҳ ногирони, Бухоро шаҳар мактаб ва мактабгача таълим бўлими ҳисобчиси, муқаддам судланмаган, Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 15-уй, 23-хонадонда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 6 октябрь куни олган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафлар музокараларини ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Д.Ғаффарова фуқароларни чет эл давлатларига юбориш каби ваколатлари бўлмаса-да, ўзганинг жуда кўп миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, жабрланувчи Л.Қайимовнинг ишончига кириб, уни Америка Қўшма Штатларига юборишини ваъда бериб, ишонтириб, жабрланувчи Л.Қайимовга Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасида 287.500.000 сўм қийматига тенг бўлган жами 25.000 АҚШ доллари эвазига ҳужжатларни қисқа муддат ичида расмийлаштириб беришликни ваъда қилиб, бошидан 10.000 АҚШ долларини бериши кераклигини айтиб, келишилган пуллардан Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасида 115.000.000 сўм қийматига тенг бўлган 10.000 АҚШ долларини 2023 йил 21 июнь куни соат 13:30 да яшаш уйи Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 15-уй 23-хонадонда Л.Қайимовдан олган вақтида, ДХХ Бухоро вилояти бошқармаси ва Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари томонидан



ўтказилган тезкор тадбир давомида жиноят устида қўлга олиниб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда фирибгарлик жиноятини охирига етказа олмаган.

Бухоро вилояти ИИБ ЭКБнинг 22.06.2023 йилдаги №213-сонли судга оид кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, экспертизага тақдим қилинган 10000 АҚШ доллари юзаларида ҳамда Д.Ғаффорованинг ўнг қўлидан бинт тампонига олинган суртмада махсус кимёвий кукун қолдиқлари борлиги, пуллардан ҳамда Д.Ғаффорованинг ўнг қўлидан бинт тампонига олинган суртмадан топилган кукун моддалари махсус кимёвий модда ҳисобланиб, кимёвий таркиби ва нурланишига кўра ўзаро таққослаш учун юборилган намуна билан бир хил, тақдим қилинган пулларнинг юзаларида “Пора-2023” ёзуви ёзилган бўлиб, ушбу ёзув хусусиятига кўра таққослаш учун юборилган махсус қалам намунаси билан бир хил, тоза бинт бўлакчасида махсус кимёвий кукун қолдиқлари кўринмаганлиги кўрсатилган.

Судланувчи Д.Ғаффорова суд мажлисида, айбига иқдор эмаслигини, 2022 йилнинг май ойида А.Қайимов И.Қурбоновнинг таниши эканлигини айтиб қўнғироқ қилиб чет элга ишлашга кетиш учун ҳужжатларни тайёрлаб беришликни сўраганлигини, Л.Қайимов билан Бухоро шаҳар ҳокимлигининг 5-қаватида жойлашган хизмат хонасида учрашиб Л.Қайимовга Полша давлатига бориб ишлашликни маслаҳат берганлигини, А.Қайимовга “Виза поинт” иловасига кириб талабларни тўлдиришни, бораётган давлатнинг элчихонасига бориб суҳбатдан ўтишни ва тўловларни тўлашини, банкдан ҳисоб рақам очишини, сўнгра ҳисоб рақамидан виза картасига пул ўтказишини, 10.000 АҚШ долларида кўпроқ миқдоридаги пуллар виза картасига бўлиши кераклигини тушунтирганлигини, лекин Л.Қайимов бу ишларни бажара олмаслигини автомашинасини сотиб ҳужжатларни расмийлаштириш учун талашини айтиб ёрдам сўраганлигини Л.Қайимовга дастлаб хорижга чиқиш паспортини тайёрлаш кераклигини, “виза-поинт” иловасини тўлдириш учун мазкур паспорт ва элчихонага навбат олиш учун кераклигини айтганлигини, 2023 йилнинг июнь ойи бошида Л.Қайимов унга хорижга чиқиш паспорти тайёр бўлганини айтганлигини, ўғли Ж.Рахматов Полша давлатига ўқишга кетишини, ўғли Ж.Рахматов Полша давлатида ўқиса Л.Қайимов ўғлидан хабардор бўлиб туради деб уйлаганлигини, 2023 йил 21 июнь куни Л.Қайимов билан “Горгаз”даги бекат олдида кўришиб, биргаликда яшаш уйига борганлигини, Л.Қайимов ундан пулни санаб олишлигини сўраганлигини, у Л.Қайимовга пулни санамаслигини, Л.Қайимовнинг ўзига санаттирганлигини, ўзи банкка топширишини айтганлигини, Л.Қайимов пулни стол устига қўйганлигини, Л.Қайимов ундан бир неча маротаба пулни санаб олишини сўрайверганлигини, Л.Қайимов унга пулларни берганлигини паспорт нусхасига 10.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни қарзга берганлигини ёзиб берганлигини, шу вақтда Л.Қайимовга қўнғироқ бўлганлигини, Л.Қайимов телефонда “Ҳа бўлди”-деб жавоб берганлигини, шундан сўнг Л.Қайимов унга сув



беришини сўраганлигини, у Л.Қайимовга сув бераётган вақтида яшаш хонадонига бир нечта шахслар кириб келиб, ўзларини таништириб, 10.000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар тегишли тартибда хужжатлаштириб олинганлигини, Л.Қаюмовдан 10.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни биргаликда Миллий баннка бориб, ҳисоб рақам ва виза карта очтириб, сўнгра пулларни Л.Қайимовнинг ўзини ҳисоб рақамига қўймоқчи бўлганлигини, Л.Қайимовга чет элга юборишни бирор-бир ваколатли шахс орқали юборишни ваъда қилмаганлигини, Л.Қайимовга АҚШга бирор-бир айланма, ноқонуний йўллар билан юборишни айтмаганлигини, Л.Қайимовга Тошкентдаги Америка элчихонасига бориш ва суҳбатдан ўтишини айтганлигини, бундан ташқари, Л.Қайимовга “виза поинт” иловаси орқали талабларни тўлдиришлигини тушунтирганлигини, у бирор-бир киши билан гаплашиб, Л.Қайимовни чет элга юбориш нияти бўлмаганлигини, бундан олдин танишларининг чет элга кетишлиги учун хужжатларини расмийлаштиришга ёрдамлашганлигини, у худди шундай ҳаракатларни Л.Қаюмовга ҳам содир қилмоқчи бўлганлигини” билдириб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи Д.Ғаффорова унга нисбатан эълон қилинган айбловга иқрорлик билдирмасдан кўрсатув бериб ўтса-да, унинг мазкур жинойтни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг қуйидаги кўрсатувлари билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Суд мажлисида жабрланувчи А.Қайимов ўз кўрсатувида, И.Қурбонов орқали Д.Ғаффорова билан танишганини, Д.Ғаффорова билан суҳбати давомида фуқароларни АҚШга юборишга ёрдам бериб келишини айтгани, 25.000 АҚШ доллари эвазига АҚШга юборишини айтгани, бу йўл хавфсиз ва қонуний деб айтгани, Д.Ғаффорова олдиндан хужжатларни расмийлаштириш учун 10.000 АҚШ доллари, биометрик ва хорижга чиқиш паспортлари кераклигини айтгани, Д.Ғаффорованинг ҳаракатлари бўйича Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилгани, 2023 йил 21 июнь куни Департамент ҳамда ДХХ ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилиши белгиланиб, тезкор тадбирда фойдаланиш учун жами 10.000 АҚШ доллари махсус қаламчада “Пора 2023” ёзуви ва пуллар махсус оч яшил рангли кимёвий кукун билан ишлов берилиб, унга тақдим қилинганлигини, Д.Ғаффорованинг яшаш уйи Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 15-уй 23-хонадонига бориб, пулларни Д.Ғаффорвага берганини, Д.Ғаффорова пулни стол устига қўйишини айтгани, Департамент ҳамда ДХХ ходимлари кириб келиб Д.Ғаффоровани ушлашгани, сўнг тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани, Д.Ғаффорвага нисбатан даъвоси борлигини билдириб кўрсатуви билан;

Суд мажлисида гувоҳ И.Қурбонов ўз кўрсатувида Д.Ғаффоровани бир йилдан буён танишлигини, Д.Ғаффорова унга чет эл давлатларига юбора олишлигини, ундан биророрта танишлари ёки қариндошлари бўлса ҳам чет



эл давлатларига юбора олишини айтганлигини, у яшаш хонадонига қайтаётган вақтида Л.Қайимовни автомашинасига йўловчи тариқасида миндирганлигини ва шу вақтда танишганлигини, Л.Қайимов билан суҳбатлашиб турганида Л.Қайимов чет элга чиқмоқчи эканлигини айтганида Д.Ғаффорованинг телефон рақамини берганлигини, 2023 йилнинг ёз ойларида Д.Ғаффорова унга АҚШга жўната олишлигини айтганлигини, Д.Ғаффорова АҚШга 25.000-30.000 АҚШ доллари эвазига айнан Мексика орқали ўтадиган айланма йўллар орқали ўтказишини айтганлигини, аммо у ушбу пулларни тўлашга шароити бўлмаганлиги сабабли пул бера олмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ Ҳ.Ражабов ўз кўрсатувида 2023 йил 21 июнь куни Бухоро шаҳри Х.Т.Бухорий кўчасидаги "Фернандо" меҳмонхонаси олдида ўзларини Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари деб таништириб холис сифатида иштирок қилишни сўрашганлигини, рози бўлганлигини, фуқаро Л.Қайимов "Дилрабо" исмли шахс АҚШга ишлаш мақсадида юбориш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаб бериб, ноқонуний равишда АҚШ ҳудудига киритиш эвазига жами 25000 АҚШ доллари талаб қилиб, аванс тариқасида 10000 АҚШ доллари талаб қилаётганлигини билдирганлиги ҳолати юзасидан ариза билан мурожаат қилганлигини, Л.С.Қайимовга ишлов берилган 10000 АҚШ доллари ва диктофон беришганлигини, кейин биргаликда Бухоро шаҳридаги "Кодак" савдо дўкони олдида боришганлигини у ердан Бухоро шаҳри "Мустақиллик" кўчаси, 15-уй олдида боришганлигини, 3-қаватда жойлашган 23-хонага тезкор ходимлар билан бирга кирганлигини, у ерда нотаниш аёл ўзини Ғаффорова Дилрабо деб таништириб, бироз олдин фуқаро Л.Қайимовдан қарз олганлигини, у берган пулларни қўлига ҳам олмаганлигини, у берган пуллар 23-хонанинг кириш эшигидан кираверишдаги ўнг томондаги биринчи хонада турган стол устида эканлигини билдирганлигини, Д.Ғаффорованинг қўллари мутахассис томонидан улар иштирокида махсус лампа ёрдамида кўздан кечирилганлигини, стол устидаги АҚШ доллари пуллари мутахассис томонидан кўздан кечирилганда, пулларда кимёвий кукун излари борлиги, Д.Ғаффорова тузилган ҳужжатларга имзо қўйишдан бош тортганлигини ушбу тадбир жараёнлари видеокамера ёрдамида тасвирга туширилганлигини, у барча ҳужжатлар билан танишиб, имзо қўйиб берганлигини, 2023 йил 21 июнь куни ўтказилган тадбирда Департамент ходимлари томонидан ушланган шахсга ёки бошқа фуқароларга нисбатан жисмоний ёки рухий тазйиқ ўтказилмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гарчи судланувчи Д.Ғаффорова суд мажлисида айбига иқрорлик билдирмасдан Л.Қайимовга АҚШга бирор-бир айланма, ноқонуний йўллар билан юборишни айтмаганлигини, "виза поинт" иловаси орқали талабларни тўлдиришлигини тушунтирганлигини, Л.Қайимовга қонуний



йўллар билан Полша давлатига бориши тартибини тушунтирганлигини, Л.Қайимовга ёрдам бермоқчи бўлганлигини 10000 АҚШ долларини банкка топширмоқчи бўлганлигини, унинг бу ишларда айби йўқлигини билдириб кўрсатув берган бўлса-да, суд унинг ушбу кўрсатувларини жавобгарликдан қутулиб қолиш ҳамда айбини енгиллаштириш мақсадида келтирган важлар сифатида баҳолаб, унинг ушбу важларини жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ариза, пулларга ишлов бериш ва уларни аризачига топшириш, диктофон тақдим этиш, тезкор эксперимент тадбири ўтказиш, диктофонни қабул қилиш, тақдим этилган сўзлашувларни эшитиш ва ёзиб олиш ҳақидаги баённомалар, Бухоро вилоят ИИБ ЭКМнинг 2023 йил 22 июндаги 213-сонли хулосаси ва бошқа далиллар билан тўлиқ рад қилинади.

Судланувчи Д.Ғаффорванинг айби, юқорида қайд этилганлардан ташқари, суд мажлисида узрсиз сабабларга кўра кела олмаган тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ш.Аминованинг кўрсатувлари, ариза, пулларга ишлов бериш ва уларни аризачига топшириш, диктофон тақдим этиш, тезкор эксперимент тадбири ўтказиш, диктофонни қабул қилиш, тақдим этилган сўзлашувларни эшитиш ва ёзиб олиш ҳақидаги баённомалар, Бухоро вилоят ИИБ ЭКМнинг 2023 йил 22 июндаги 213-сонли хулосаси ҳамда ишда тўпланган бошқа ёзма далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топди.

Юқоридагиларга кўра, суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Ғаффорованинг ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиша суиқасд қилганликдаги жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 18-банди 4-хатбошида “Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкни кўп (жуда кўп) миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъий назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, кўп (жуда кўп) миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасида мустақамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя қилиб, судланувчининг шахсини ва содир этган жиноятининг ижтимоий



хавфлилик даражасини ҳамда жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини инобатга олиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини танлашда:

Мазкур Қарорнинг 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак. Қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шарт”;

15-бандида, Судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилсин;

Шунингдек, Қарорининг 37-бандидаги “ЖК 57-моддасига мувофиқ содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин”;

Пленум қарорида, адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга - маҳқумни ахлоқан тузатиш, маҳқум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади деб берилган тушунтиришларига амал қилиб;

Д.Ғаффорованинг 2-гуруҳ ногиронлигини, 2 нафар фарзанди борлигини, уларнинг талабалигини, улар тўлов шартномаси асосида ўқишини, турмушидан ажралганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, қопланмасдан қолган моддий зарар мавжуд эмаслиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унинг оилавий шароитини, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақдаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланган модда санкциясида белгиланган энг кам жарима жазосидан ҳам



камроқ жарима жазосини тайинлаб, жаримани жиноят содир этилган вақтдаги миқдори бўйича давлат фойдасига ундириб, ҳукм қонуний кучга киргач Д.Ғаффоровага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилиб, вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган гаров пулини гаров кўювчига қайтаришни лозим топади.

Шу билан бирга суд, ашёвий далил деб эътироф этилган Д.Ғаффорованинг ўнг қўлидан олинган суртма, махсус қалам намуналарини тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни, 2 дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни, 10.000 АҚШ доллари Департаментининг махсус фондига қайтарилганлиги инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Ғаффорова Дилрабо Ғуломовна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ғаффорова Дилрабо Ғуломовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 33.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Д.Ғаффоровага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 6.600.000 сўм гаров пули гаров кўювчига қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Д.Ғаффорованинг ўнг қўлидан олинган суртма, махсус қалам намуналарини тегишли тартибда йўқ қилинсин;

-2 дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин;

-10.000 АҚШ доллари Департаментининг махсус фондига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида мазкур суд орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ҳукм апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга киргандан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

М.Бобоев

